Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА adolat_sdp@doda.uz ● www.adolat.uz ● № 48 (853) ● 2011 йил, 18 ноябрь, жума

# Буюк салоҳиятимизга муносиб маърифат маскани

**Президентимиз Ислом Каримов 16 ноябрь куни Тошкент шаҳрида бунёд этилган "Маърифат маркази" биноси билан танишди**




Мустақил тараққиётимизнинг ўтган йигирма йили давомида мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг салмоғию кўламини таърифлашга сўз ожиз. Бу даврда юртимизда асрларга татигулик бетимсол ишлар қилинди. Шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини, одамларнинг яшаш шароитини бундан йигирма йил олдинги ҳолат билан қиёслаганда бу янада яққол намоён бўлади. Миллий меъморчилик ва замонавий архитектура анъаналарини ўзида мужассам этган бетакрор бино ва иншоотлар, муҳташам кошоналар, улкан саройлар, муаззам майдонлар, равон йўллар, маҳобатли кўприклар, кўркам уй-жойлар, ижтимоий объектлар юртимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки йилларида олдимизга қўйилган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек улуғвор мақсадлар изчиллик билан амалга ошаётганини кўрсатиб турибди.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги кенг нишонланган жорий йилда ҳам юртимизнинг барча ҳудудларида маҳобатли иншоотлар, шинам уй-жойлар бунёд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғояси асосида пойтахтимиз марказида бунёд этилган "Маърифат маркази" халқимиз учун муносиб туҳфа бўлди. Ушбу замонавий муҳташам бинодан Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жой олган.

Президентимиз Ислом Каримов 16 ноябрь куни мазкур иншоот билан танишди.

Ушбу улкан кошона истиқлол йилларида пойтахтимиз марказида барпо этилган Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, Пойтахт бизнес маркази каби бетакрор иншоотларга ҳамоҳанг тарзда яхлит композицияни ташкил қилган. Ватанимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонига туташ ушбу ҳудуд бетакрор ландшафт дизайни билан ғоят гўзал қиёфа касб этган.

Ислом Каримов дастлаб Симпозиумлар саройи билан танишди.

Йирик илмий анжуманлар, халқаро симпозиумлар ўтказиладиган маҳобатли сарой ўзининг кўрку салобати, бетакрор меъморий ечими, безаклари билан нафақат минтақамизда, балки жаҳонда ҳам ноёб ҳисобланади.

Мазкур муҳташам сарой ўзида миллий меъморчилик ва замонавий архитектура услубларини мужассам этган. Сарой деворларидаги сержило нақшлар, маҳобатли мармар устунлар, мовий гумбаз меъморчилик бобида ҳам жаҳон аҳлини ҳайратда қолдирган аждодларимизнинг асрий анъаналари давом этаётганидан далолатдир.

Ушбу мажмуа миллий меъморлик санъатимизнинг ажойиб намунаси бўлиб, унинг муҳандислик ечимлари, ҳар қайси устуни, ички ва ташқи безаклари ўз кучимиз, моҳир уста, қурувчи ва мутахассисларимизнинг меҳнати билан бунёд этилгани ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Давоми 2-бетда




# Конституция — буюк келажагимиз пойдевори

**Л.КАРИМОВА,**
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг ҳар йили мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланиши мустақил ўзбек халқининг озодлик, эркинлик ва демократик, ҳуқуқий жамият қуриш йўлидаги тантанасидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзбек халқининг иродаси акс эттирилган бўлиб, ҳуқуқ ва манфаатларимизнинг қонун билан ҳимояланиши кафолатланган.

Давоми 2-бетда

# Ислоҳотлар муваффақияти

**минтақадаги аниқ ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимига боғлиқ**

**Илмий-амалий семинар**

**Фарҳод ЭСОНОВ,**
«Adolat» мухбири.



Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳамда Фуқаролик жамиятини шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида «Сиёсий партия фракцияларининг қонун ижодкорлик жараёни, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг минтақадаги аниқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишдаги ролини янада ошириш» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Фуқаролик жамиятини шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти мажлислар залида ташкил этилган ушбу тадбирда Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари, партиянинг жойлардаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлар мониторинги институти, қатор вазирлик ва идоралар вакиллари, партия фаоллари иштирок этишди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раҳбари И.Саифназаров, аввало, мазкур илмий-амалий семинарнинг асосий мақсади, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга оширишда «Адолат» СДП фракциясининг қонун ижодкорлик жараёнидаги иштирокини ҳамда ҳудудий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг минтақадаги аниқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишда қанчалик фаол иштирок этаётганлигини таҳлил қилишдан иборат эканлигини таъкидлади. Қуйи палатадаги партия фракциясининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятидаги иштироки тўғрисида батафсил гапирди.

Давоми 2-бетда



# Ёш иқтидорлар кашф этилмоқда

**Фанлар академияси қошидаги «Ёш олимлар кенгаши» қисқа муддатда ўз атрофига 400 нафардан зиёд олимларни бирлаштирди**

**А.АБДУЛБОҚИЕВ.**

Президентимиз Ислом Каримов Конституциямиз қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида кескин рақобат шароитида инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни янада яхшилаш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Давоми 3-бетда

# Буюк давлатнинг муқаддас тимсоли

**Мустақил Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи қабул қилинганига 20 йил тўлди**

**Ифтихор**

**Анвар САМАДОВ,**
ЎзА шарҳловчиси.

Бу йил давлатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигини кенг нишонладик. Шу муносабат билан ўтказилган барча шодиёналар, байрам тантаналарида давлатимиз байроғи юксак ҳилпираб турди.

Бундан йигирма йил аввал — 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонунда миллий байроғимиз республика суверенитетининг рамзи экани алоҳида таъкидланган.

Аслида бу тарихий воқеага тайёргарлик анча олдин бошланган эди. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва жасорати билан 1990 йил март ойида — ҳали собиқ иттифоқ қиличини қайраб турган бир пайтда давлат рамзлари ҳақидаги масала парламент сессиясида муҳокама қилинганди.

Рассомлар, тарихчи олимлар, депутатлар ҳамда кенг жамоатчилик таклифлари махсус комиссия томонидан ўрганиб чиқилди. Икки юздан ортиқ эскиз — намуна орасидан биз бугун севиб-ардоқлайдиган байроқ тасвири қабул қилинди ва 1991 йил 18 ноябрда тасдиқланди.

Шундан буён бу байроқ юртдошларимиз қалбида ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, халқаро миқёсда мамлакатимиз обрў-эътиборини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Ватанимиз байроғи бугун ҳар биримиз учун суюкли ва қадрлидир.

Давлатимиз байроғининг нақадар қадрли ва муқаддас эканлигини ҳар қадамда ҳис этамиз.

Давоми 3-бетда

## Ислоҳотлар муваффақияти

**минтақадаги аниқ ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимига боғлиқ**

*Мухтасар айтганда, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг парламентдаги фракцияси фаолияти кучли демократик, ижтимоий йўналтирилган давлат, адолатли ва маънан жипслашган жамият қуриш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бошқарувда очиқлик, ошкоралик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш ишига қаратилган.*



2-бет

## Ёш чемпионлар аниқланди

*— Беш минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган, миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми, ҳақиқий ўзбекона урф-одатларни ўзида мужассам этган белбоғли кураш мустақиллик йилларида кенг ривож топди. Бугунги кунда 50 мингдан ортиқ ёшлар ушбу спорт тури билан шуғулланмоқда, — дейди Белбоғли кураш федерацияси Наманган вилоят бўлими ижрочи директори, Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси Нуриддин Ғозиев.*



3-бет

## Йўловчилар учун яна бир қулайлик

*"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси 1 ноябрдан бошлаб биринчи ва бизнес классдаги йўловчиларга янги хизмат тури, яъни, парвоз пайтида iPad дан фойдаланиш хизматини йўлга қўйди.*

*Авиакомпаниянинг Интернет сайтида маълум қилинишича, парвоз давомида йўловчиларга фойдаланиш учун вақтинча бериладиган iPad да аудио ва видео ёзувлар, кўплаб ўйинлар, рангли журналларнинг электрон версияси ўрин олган.*




4-бет

# Буюк салоҳиятимизга муносиб маърифат маскани

Давоми. Боши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари бундай бетакрор бино ва иншоотларни барпо этишга эришаётганимиз Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти, куч ва имкониятлари барча соҳаларда бўлгани каби қурилиш ва бунёдкорлик борасида ҳам тобора юксалиб бораётганининг яққол исботи эканини алоҳида қайд этди.

"Тошгипрогор" акциядорлик жамияти лойиҳаси асосида "12-Трест" акциядорлик жамияти бунёдкорлари томонидан барпо этилган "Маърифат маркази" биносига кириб боришнинг ўзидаёқ кўз олдингизда гўзал манзара намоён бўлади — марказ атрофидаги ўзига хос ландшафт дизайни асосида яратилган ям-яшил майсазорлар, марказнинг ҳар икки томонида бунёд этилган фавворалар ташқи умумий манзарани бойитиш баробарида ҳудудда микроиқлим ҳосил қилади.

Давлатимиз раҳбари саройнинг вестибюли, дизайни, замонавий меъморий ечимларга уйғун миллий анъана ва услубларни, ёритиш тизимини, деворда ноёб тошлардан ишланган улкан панноларни, бу ерга келувчилар учун яратилган шароитларни юқори баҳолади.

Симпозиумлар саройининг 1000 ўринли катта зали ўз салобати ва маҳобати билан ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Меъморий ечимига кўра дунё тажрибасида ҳали учрамаган гумбаз атрофи бўйлаб жойлаштирилган 36 дераза залда кун давомида табиий ёруғликни таъминлайди.

Зал асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мебеллар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган. Барча компьютерлар интернетга симсиз уланган.

Президентимиз "Маърифат маркази"да жойлашган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан танишди.

Юртимиз қадимдан жаҳон цивилизацияси ривожига катта ҳисса қўшган, дунё илмий жамоатчилигининг диққат-марказида бўлган. Маънавият ва маърифат, илм-фан ва маданият юксак қадрланган.

Мустақиллик йилларида халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган кўплаб маърифат масканлари барпо этилмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ана шундай замонавий кошонага жойлаштирилгани ҳам мамлакатимизда маънавият ва маърифат ривожи йўлида кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик ва эътиборнинг яна бир намойиши бўлди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мамлакатимизда миллий ва жаҳон маданиятини, фан ва таълимни ривожлантириш йўлида ахборот-кутубхона фаолиятини ташкил этувчи ва амалга оширувчи универсал ахборот-кутубхона муассасаси ҳисобланади. Миллий кутубхонамизнинг бой ва нодир ахборот-кутубхона фонди маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисмидир.

Кутубхонанинг янги биносидан китоблар музейи, ўқув заллари, китоблар дўкони, киномарказ, интернет ва медиамарказ, болалар хонаси, дам олиш хоналари ўрин олган. Янги бино замонавий технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, автоматлаштирилган яхлит ахборот-кутубхона тизимига эга. Ахборот-кутубхона фондини белгиланган меъёрлар асосида сақлашнинг автоматлаштирилган тизими мавжуд.

Кутубхонанинг ўқув залларига электрон каталог, интернет ва электрон маълумотлар базасига уланган компьютерлар ўрнатилган. Илмий ходимлар, нота-мусиқа нашрлари, тадқиқотчилар учун алоҳида қулайликлар яратилган.

Мамлакатимиз раҳбари ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало юксак маданияти, маърифат ва маънавияти, баркамол ёшлари билан кучли эканлигини таъкидлади. Шу маънода, ушбу зиё маскани аввалambор ёшларимизни юксак интеллектуал билим ва салоҳиятга эга, эркин фикрловчи инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши лозим.

Президентимиз кутубхона фаолияти билан танишар экан, унинг ишини мазмун жиҳатдан янада мукаммаллаштириш, мавжуд тузилмани замон талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, бунда энг тараққий этган давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш лозимлигини таъкидлади. Кутубхона фондидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш, китобхонларга хизмат кўрсатишда аҳоли турли ёш қатламларининг талаб ва эҳтиёжлари, қизиқишларини эътиборга олиш, кўрсатилаётган қўшимча хизматлар турларини янада кенгайтириш ва сифатини ошириш юзасидан тавсиялар берди.

Азим пойтахтимиз чиройига чирой қўшган "Маърифат маркази" ўзбек миллий шаҳарсозлик мактабининг яна бир ёрқин намунаси бўлиб қолади. У буюк аждодларимиз бунёд этган боқий обидалар сингари Ватанимиз шуҳратини оламга ёйишга, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларимиз ҳеч кимдан кам бўлмаган шарт-шароитларда ўқиб-изланиши ва камолга етишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Ислоҳотлар муваффақияти

## минтақадаги аниқ ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимига боғлиқ

Давоми. Боши 1-бетда

— Бугун ҳаётнинг ўзи қонун чиқарувчилар олдига қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишларини такомиллаштириш вазифасини қўймоқда, — деди нотиқ. — Энг аввало, Президентимиз Ислом Каримовнинг Парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этган Концепциянинг устувор йўналишларидан, қолаверса, партиямизнинг сайловолди платформаси ҳамда дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, фракциямизнинг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятининг асосий йўналишларини янада такомиллаштирдик. Бунда, партиямиз электорати, сайловчиларимизнинг сиёсий хоҳиш-иродаси ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Мухтасар айтганда, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг парламентдаги фракцияси фаолияти кучли демократик, ижтимоий йўналтирилган давлат, адолатли ва маънан жипслашган жамият қуриш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бошқарувда очиқлик, ошкоралик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш ишига қаратилган. Жамиятда қонун устуворлигига эришиш, қабул қилинажак қонунларга ижтимоий адолат тамойилларини сингдириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва суд ҳокимияти нуфузини янада мустаҳкамлаш, демократик ислоҳотларда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш ва ролини мустаҳкамлаш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ижтимоий ҳамкорлиги ҳамда бу институтлар томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш каби муҳим ташаббуслар фракциямиз қонунчилик фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб келмоқда.

Яна бир муҳим масалага алоҳида тўхталиш ўринли, деб ўйлайман, — давом этди нотиқ. — Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақияти бевосита фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг қай даражада шаклланганлигига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон "Адолат" СДП ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва ахборотлашган жамият қуриш, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш йўналишидаги ишларни янада кучайтириш тарафдори. Шунингдек, республикамизда инновация туридаги иқтисодиётни ташкил этиш ҳам муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Уни ривожлантириш республикамизнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини янада тўлиқ рўёбга чиқариш имконини беради. Айниқса, қишлоқ хўжалигини инновацион технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмасини янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш партия ва фракциянинг устувор вазифалари сирасига киради. Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан Концепцияда билдирилган таклифлар — биз учун дастуриламал бўлиб, уни бажаришга эса барчамиз бирдек масъулмиз.

Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлар мониторинги институти етакчи илмий ходими М.Хусанова, фракция аъзолари З.Ботирова, Қ.Жўраев ҳамда К.Ҳамидовалар танланган устувор йўналиш билан боғлиқ ҳолда партия, хусусан, қуйи палатадаги партия фракцияси амалга оширган ишлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтдилар.

— Партия ташкилотларининг кўп йиллик иш тажрибаси шуни кўрсатаяптики, самарали ташкилий ишларни олиб бормай туриб, партия ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ эта олмайди, — деди З.Ботирова. — Қайси партия ташкилий жиҳатдан яхши уюшган бўлса, кучли мафкуравий базани вужудга келтира олса ҳамда жамиятда ташкилий устунликни қўлга киритса, айнан шу партия сайловлардан кейинги кураш босқичида ҳам муваффақиятга эришади. Демак, биз сайловчиларнинг, потенциал (салоҳиятли) электоратнинг қизиқиши ва диққат-эътиборини ўз мақсадларимиз ҳамда вазифаларимизга қарата олишимиз лозим. Шу боис, биз бугунги кунда вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантиришга, фуқароларнинг барча тоифаларини қамраб олган бошланғич партия ташкилотларининг вужудга келган тармоғини сифат жиҳатидан мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Хотин-қизлар, ёшлар билан ишлашда ҳам фойдаланилмаётган имкониятларимиз ҳам мавжуд. Булар фаолиятимизнинг асосий йўналишлари бўлиб, бу соҳаларда ҳудудий ташкилотларимиз орқали доимий, изчил иш олиб бораверамиз.

Маълумки, ҳар бир сиёсий партиянинг бош мақсади сиёсий ҳокимиятни эгаллаш, унга таъсир ўтказишдан иборат. Шу қаторда Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам 2009 йилда бўлиб ўтган сайловларда барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларида кўп ўринга эга бўлиш ва шу аснода мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш, ўз электорати манфаат ва эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда, жамият ва давлат қурилиши жараёнларида фаол иштирок этишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган эди. Сайловлар натижасида партия Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 19 ўринни қўлга киритди. Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят Кенгашларига Ўзбекистон "Адолат" СДП кўрсатган номзодлардан 68 нафар, туман Кенгашларига 300 нафар, шаҳар Кенгашларига 63 нафари сайланди, жами халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги мавжуд 6124 нафар ўринга партия-



дан 431 нафар депутат сайланди.

Таъкидлаш жоизки, бу кўрсаткичлар 2004 йилда бўлиб ўтган сайловларга нисбатан бир неча баробар юқорилигини кўрсатади. Бу эса партиянинг сайловдан сайловгача бўлган вақтда ривожланиб, шаклланиб келаётганлигидан далолатдир.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати раҳбари Р.Ҳайдаров ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича Давлат дастурларини амалга оширишда партия депутатлик гуруҳларининг иштироки ҳақида маъруза қилди. Нотиқ ўз сўзида кучли депутатлик корпусини шакллантириш ва улар орқали Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонунда мустаҳкамланган имкониятларни тўлиқ амалга ошириш ишлари олиб борилаётганлигини таъкидлади.

— Партия депутатлар бирлашмалари марказда ва жойларда қонун устуворлиги принципини таъминлаш, мамлакатимиз ҳудудлари, айниқса, қишлоқларда ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни амалга ошириш бўйича мазкур Конституциявий қонунда, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ваколат ва вазифалардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар, — деди маърузачи. — Маҳаллий даражада биз бошқа рақобатчи сиёсий партияларга нисбатан кўпроқ депутатларга ва депутатлик гуруҳларига эга бўлмасакда фаол ва ташабубскор партия депутатларига эга эканлигимизни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Биргина Бухоро вилоятида партиядан сайланган 38 нафар депутат фаолият юритаётир. Уларнинг 4 нафари вилоят Кенгашида, 30 нафари туман ва 4 нафари шаҳар Кенгашига сайланган бўлиб, 11 та партия депутатлик гуруҳига бирлашган. 2011 йил давомида вилоятнинг барча даражадаги партия депутатлари, депутатлик гуруҳлари томонидан маҳаллий Кенгашлар сессияларига 32 та масала киритилган. Улар асосан коммунал тўловлар бўйича қўшимча чора-тадбирлар, касб-ҳунар колежларида ўқитиш сифатини яхшилаш ва битирувчиларни иш билан таъминлаш, депутатлик назоратини ташкил этиш, инқирозга қарши кураш чора-тадбирлари юзасидан йирик корхона раҳбарларининг, ижроия ҳокимият тузилмалари раҳбарлари ҳисоботини эшитиш, ёзги дам олиш оромгоҳларида болалар учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда мавсумни юқори даражада ўтказиш бўйича вазифалар, репродуктив саломатлик дастурлари ижроси, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш дастури, озиқ-овқат маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бериш каби масалалардан иборат. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги 10 нафар депутат ҳам жорий йилда тегишли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ижроси устидан назоратни ўрнатиш бўйича тузилган гуруҳлар таркибида фаол иштирок этиб келмоқдалар. Депутатлар партия Уставида белгиланган вазифаларни ўзи аъзо бўлган комиссиялар, сайлов округларидаги фаолияти орқали тўлақонли амалга ошириб келмоқда. Буни ўтган саккиз ой мобайнида депутатлар иштирокида 315 дан зиёд турли тадбирлар, хусусан, сайловчилар билан учрашувлар, давра суҳбати, семинар, йиғилиш ва оммавий тадбирлар ташкил этилгани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Эътиборлиси шундаки, партия депутатлик гуруҳи аъзоларининг ҳар бирида фуқароларни қабул қилиш хонаси мавжуд. Ўтган давр мобайнида депутатларимиз фуқароларнинг муайян муаммолар бўйича мурожаатларини ўрганиб чиқиб, улар ечимига имкон қадар ёрдам бердилар, муаммолар ваколат доирасида ҳал қилинди. Т.Матибаев, З.Акрамхўжаева, Б.Султонов, М.Азимова, Ҳ.Маҳкамов сингари депутатларимиз энг фаоллардан.

Хоразм вилоятидаги турли даражадаги 44 нафар партия депутатлари фаолиятида ҳам ижобий силжишларни кузатиш мумкин. Депутатларнинг саъй-ҳаракати билан ҳисобот даврида 112 та янги иш ўрни очилди, фуқароларнинг микрокредитлар олишига амалий ёрдам кўрсатилди. Депутатлар кўмагида 9 та темирчилик устахонаси, 8 та тикувчилик цехи, 15 та шоли тегирмони, 12 та сартарошхона, 2 та ёғочга ишлов бериш устахоналари фаолияти йўлга қўйилганлиги қувонарли ҳол, албатта. Бундай ижобий кўрсаткичларни партиянинг Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Андижон вилояти Кенгаши депутатлик гуруҳлари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бироқ, гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек, семинарда жойларда оқсаш кузатилаётган баъзи депутатлик гуруҳлари фаолияти қаттиқ танқид остига олинди. Жумладан, Навоий вилоятида партиянинг 28 нафар депутати мавжуд. Уларнинг 5 нафари вилоят Кенгашига, 23 нафари туман Кенгашига сайланган бўлиб, 6 та депутатлик гуруҳига бирлашган. Партия депутатлик гуруҳлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларига биронта масала ҳам киритгани йўқ. Депутатлик гуруҳлари томонидан ишлар режа асосида амалга оширилиб келинаётган бўлсада, шу кунгача улар томонидан аниқ таклиф ва ташаббуслар кўтарилмаган. 10 нафар депутатлик ўрнига эга Жиззах вилоятида ҳам аҳвол шундай. Сирдарё вилоятида фаолият юритаётган партиянинг 23 нафар турли даражадаги депутатлари ҳам ҳисобот даври давомида партия депутатлари вилоят, туман ва шаҳар даражасидаги Кенгашлар сессиялари муҳокамасига биронта масалани олиб киришмаган.

Семинарда ютуқ ва муаммолар холис таҳлил этилди. Қизғин муҳокамаларда маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлари олдида турган қатор вазифалар аниқ кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги бошқарма бошлиғи Ш.Сатторовнинг ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари: асосий вазифалари, йўналишлари, босқичлари ва амалга ошириш механизмлари хусусидаги мулоҳазалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бўлим бошлиғи Э.Авезовнинг "Ҳудудий бандлик дастурларининг шаклланиш ва назорат тартиби" мавзуидаги маърузаси ҳам иштирокчилар диққат марказида бўлди.

Илмий-амалий семинар якунида мавзу доирасида билдирилган таклифлар, фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

# Конституция — буюк келажагимиз пойдевори

Давоми. Боши 1-бетда

Асосий Қонунда мамлакатимизда жамият ва давлат қурилишининг принциплари аниқ ифодалаб берилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланди. Барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги шароитида, хусусий мулкнинг бошқа мулк шаклларидан устувор эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Мухтасар қилиб айтганда, Конституция мустақил Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат тузилиши асосларини, энг аввало, қонунчилик тизимини шакллантиришнинг миллий-ҳуқуқий меъёрларини белгилаб берди.

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — инсон ҳуқуқларини кафолотловчи ҳужжатдир. Асосий Қонунимизнинг 13-моддасида: "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади", деб белгилаб қўйилган. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият даражасига кўтарди. Шу боис ҳам халқ ҳамда инсон манфаатларини кўзлаш, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлиқ қондириб бориш, эркин яшаш ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда муҳофаза қилиш Конституциянинг бош мақсадидир.

Бинобарин, дунёвий неъматлар орасида энг улуғи инсон экан, инсонни улуғлаш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама камол топтириш Конституциямизнинг асосий ғоясига айланган.

Айниқса, унинг ҳар бир инсон яшаш ҳуқуқига эгадир, деган меъёри барчамизнинг ҳаётимиз кафолатидан далолатдир. Асосий Қонунимиз халқаро мутахассислар томонидан ҳам энг инсонпарвар, энг халқчил ва энг демократик Конституция сифатида эътироф этилмоқда. Бундан ташқари Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси нормаларини тўлалигича қамраб олганлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Улуғ аждодларимизнинг асрий армонлари, халқимизнинг эркин ҳаёт, фаровон жамият ва адолатли давлат барпо этишдек эзгу тилаклари, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш, уларнинг бахтини, камолини кўришдек орзу-ҳаваслари Бош Қомусимизда ёрқин акс эттирилган.

Конституция ўзбек халқининг озодлик ва миллий давлатчилик, ўтган авлодларнинг шонли анъаналари, уларнинг бой маънавий меросини тиклаш тўғрисидаги асрий орзусини қонун йўли билан кафолатлайди.

Истиқлолга эришгач, халқимиз ўзининг келажак йўлини мустақил равишда белгилаб, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Энг муҳими, бу буюк мақсад қонун асосида мустаҳкамланган. Бугун халқимизнинг турмуш тарзи, фикрлашига эътибор берсангиз, бир ҳолни илғаб олиш қийин эмас. Яъни одамлар ўз фаолиятини қонун асосида белгишга интилиб, уларнинг онг-тасаввурида катта ишонч юзага келмоқда. Зеро, бу ишонч эртанги ёруғ кунга катта умид уйғотади.

Конституция энг аввало инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этувчи, кафолатловчи ва шу мақсадларда уни ҳимояловчи давлат ҳокимиятининг муайян тизимини таъсис этувчи ҳуқуқий нормалар мажмуасидир.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир. Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади. Ўтган йиллар давомида қабул қилинган қонун ҳужжатларига назар ташласак бу ўта муҳим тамойилга риоя қилинганлигини кўрамиз.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатни демократик йўлдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатидир. Конституциявий меъёрлар ва қонунларнинг устуворлиги, улар инсон манфаатини кўзлаб иш тутишга ва шу доирада ижтимоий ўзаро муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги мамлакатда барқарорликни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг, фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг асосий омилидир.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт".

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳар йили Конституция кунида янги йилни инсон ва унинг манфаатлари билан боғлиқ номлар билан аталишининг маърифий аҳамияти шундан иборатки, йил давомида инсонга эътибор қаратилади ва унинг қадр-қиммати эъзозланади, одамларнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, меҳр-оқибатни кучайтириш мақсадида кўпдан-кўп хайрли ишлар амалга оширилади.

Биз интилаётган демократик жамиятнинг истиқболи, биринчи навбатда, демократик қадриятлар ҳар биримизнинг қалбимиз ва онгимиздан қай даражада чуқур ўрин олишига, бу қадриятларнинг нечоғлик асраб-авайланиши ва келажак авлодларга етказилишига бевосита боғлиқдир. Шу ўринда яна биз Конституциямизга таянамиз ва унга қайта-қайта мурожаат этамиз.

Адлия вазирлиги томонидан Конституциямизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтириш, шунингдек, Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида бир қанча устувор вазифалар белгиланди ва шу йўналишда ҳуқуқий тарғибот ишлари кучайтирилди.

Жумладан, 2011 йилнинг ўтган даври давомида Адлия органлари ва муассасалари томонидан Конституциянинг мазмун-моҳияти юзасидан 2375 маротаба ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил қилинди. Шундан, 103 маротаба телевидениеда кўрсатувлар, 124 маротаба радио орқали эшиттиришлар ва 163 маротаба газеталар ва журналларда мақолалар чоп этилди.

"Конституция-бахтимиз қомуси", "Конституция-келажагимиз пойдевори" мавзуларида 189 та семинар ва 680 та маърузалар ҳамда 1053 та давра суҳбатлари ташкил этилди. Мавзуга оид плакат ва буклетлар тайёрланиб, иштирокчиларга тарқатилди. Булардан ташқари, 2 та ўқув-услубий қўлланма, 7 та рисола чоп этилган, 23 та мақолалар тўпламга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия ва Халқ таълими вазирликлари, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий Академияси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг қўшма қарори асосида умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида "Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" шиори остида Республика кўрик танлови доимий равишда ўтказиб келинмоқда.

Шунингдек, ҳар йили 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан республикамиздаги таълим муассасаларида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилган бўлиб, Адлия органлари ва муассасаларининг масъул ходимлари томонидан Конституциянинг мазмун-моҳияти юзасидан ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 7 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши ижроси юзасидан "Конституция — бахтимиз қомуси" ҳамда "Аёл ва ҳуқуқ" мавзуларида конференциялар ўтказиш, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинларида "Конституция — мамлакат тараққиёти, тинчлиги, барқарорлиги, хавфсизлигини таъминлаш кафолати" мавзусида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини уюштириш, Конституциямизнинг ҳар бир моддаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилганлигини тушунтириш юзасидан "Инсон, унинг қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқи — олий қадрият" мавзусида аҳоли турли қатламлари ўртасида тарғибот тадбирларини ташкил этиш юзасидан Адлия органлари ва муассасалари томонидан қатор амалий ишлар қилинмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини янада мустаҳкамлашга, шахс дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Конституциямизда акс этган принципиал нормалар халқимиз фаровонлигини юксалтиришга, мамлакатимиз тараққиётида барқарорликни таъминлашга, натижада энг ривожланган демократик давлатлар қаторида бўлишимиз учун замин бўлишига ишончимиз комил.

# Журналистика соҳасида «ВАТАН АЗИЗ, ЖАСОРАТ МАНГУ» республика танлови

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Миллий телерадиокомпания, Миллий ахборот агентлиги — ЎзА, Матбуот ва ахборот агентлиги, Электрон ОАВ миллий ассоциацияси, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда журналистлар ўртасида мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги шонли сана — Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг йигирма йиллигига бағишланган "Ватан азиз, жасорат мангу" республика танловини эълон қилади.

Танлов "Ватан ҳимояси — муқаддас бурч" деган туйғуни юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгига сингдиришга қаратилган бўлиши керак. Танловга тақдим этилган ижодий ишларда Қуролли Кучларимиз салоҳиятини мустаҳкамлаш, армиямизни модернизация ва ислоҳ қилиш, унинг жанговар тайёргарлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига моддий ҳамда ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, сарҳадларимиз дахлсизлигини, осмонимиз мусаффолигини, эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган ҳарбийларнинг мардона меҳнати чуқур таҳлил этилган ва ҳар томонлама ёритилган бўлиши лозим.

*"Ватан азиз, жасорат мангу" танлови оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги йўналишлари бўйича ўтказилади:*

— босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари (1-, 2-, 3-ўрин);
— тележурналистларнинг кўрсатувлари (1-, 2-, 3-ўрин);
— радиожурналистларнинг эшиттиришлари (1-, 2-, 3-ўрин);
— интернет нашрларидаги материаллар (1-, 2-, 3-ўрин).

**Танлов ғолиблари қуйидаги мукофотлар билан тақдирланадилар:**

1-ўрин ғолиблари — ноутбук;
2-ўрин ғолиблари — компьютер тўплами;
3-ўрин ғолиблари — замонавий рақамли телевизор.

Танловни ўтказишда иштирок этаётган ҳамкор ташкилотлардан Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳам ўзининг рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловда ижодий уюшмалар ва агентликлар, ОАВ жамоалари ва ходимлари, соҳалар бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, мустақил ижодкорлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга 2011 йил давомида газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар (камида 5 та) 2011 йилнинг 20 декабригача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар **Ватан ҳимоячилари куни** байрами арафасида тантанали равишда топширилади ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

*Танловга тақдим этилаётган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:*

— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллифнинг паспорти нусхаси;
— иш жойидан тавсиянома;
— муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Ижодий ишлар "Ватан азиз, жасорат мангу" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 уй.**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси**
**Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87**
***www.journalist.uz***

# "Асака" банк — аҳоли мададкори

## Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳамкори

**Реклама ўрнида**

**Банк ахборот хизмати.**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номланганлиги мустақил Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт даврида мазкур соҳа давлат сиёсатининг устувор йуналишларидан бирига айланганидан далолатдир.

Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасида бўлгани сингари Самарқанд вилоятида хам аҳолига, хусусан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка сифатли ва замонавий банк хизматлари кўрсатиш, янги иш ўринлари яратиш, пировардида, халқ хўжалигининг барча тармоқларини молиявий жиҳатдан фаол қўллаб-қувватлаш борасида ижобий силжишларга эришилмоқда.

Молия хизматлари бозорида ўзининг етакчилик мавқеини нуфузли сақлаб келаётган "Асака" банкнинг бу ердаги вилоят филиали ваколати доирасида мижозларга барча турдаги банк хизматлари кўрсатиб, ҳисоб-касса хизматлари, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш каби жараёнларни пухта олиб бормоқда. Аҳолидан ва юридик шахслардан жалб этилган бўш пул маблағларини иқтисодиётнинг муҳим ишлаб чиқариш соҳаларига самарали равишда йўналтириб, уларни омонатчилар, мижозлар ва акциядорлар манфаатларига мос равишда кўпайтиришга эришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши соҳа ривожига янада катта имкониятлар яратди. Ҳозир банк томонидан асосий эътибор — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш ва соддалаштиришга, уларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, ажратилаётган кредитларни, биринчи галда, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва технологик янгилашга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлар ҳажмини кўпайтиришга қаратилмоқда. Шу билан бирга 2011 йил 1 сентябрдан бошлаб кичик бизнес субъектларидан миллий валютада ҳисоб рақами очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк куни қилиб белгиланди ҳамда уларнинг банк кассаларига энг кам иш ҳақининг йигирма баробари миқдоригача бўлган нақд пул тушумини мустақил топшириш ҳуқуқи берилди.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 25 августдаги "Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори тадбиркорлик фаолияти кўламларини кенгайтириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кўпайтиришда кичик бизнес субъектларининг фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратишда муҳим омил бўлди.

Филиалнинг малакали мутахассислари кичик бизнес вакилларига, тадбиркорларга маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатиб, уларнинг банк хизматига оид саволларига "Асака" банкнинг Бош офисида ва филиалнинг ўзида ўрнатилган "Ишонч телефонлари" орқали мурожаат этишларига имкон вужудга келтирилди.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, қулайликлар яратиб бериш ва хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида алоҳида "Тадбиркорлар хонаси" ташкил этилиб, барча техник воситалар, кўргазмали стендлар ва меъёрий хужжатлар билан жиҳозланди. Банк хизматлари, кредитлаш ва лизинг операциялари мазмуни ҳақида алоҳида брошюра ва буклетлар жорий қилинди.

Филиалга қарашли барча минибанкларда "Тадбиркорлар бурчаги" бўлиб, улар соҳа фаолиятига оид янги меъёрий ҳужжатлар билан мунтазам бойитилиб борилмоқда.

**Далиллар:**

- *Бугунги кунда Самарқанд шаҳри ва хусусан Самарқанд вилояти аҳолисига ҳамда кичик бизнес субъектларига янада яхшироқ қулайликлар яратиш мақсадида филиал таркибида 5 та минибанк, 2 та махсус касса, 5 та жамғарма ва коммунал тўлов кассалари фаолият юритмоқда.*
- *2011 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, филиал томонидан иқтисодиётнинг турли соҳаларига йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиғи 19,7 миллиард сўмни ташкил этди. Бу — ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мазкур кўрсаткич 1,6 миллиард сўмга ошишига эришилди, деганидир.*
- *Кредит қўйилмаларининг 17,5 миллиард сўм миқдоридаги қисми ёки 88,8 фоизи узоқ муддатли кредитларни ташкил этади.*
- *2011 йилнинг ўтган даври давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга миллий валютада жами 9,8 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, натижада 255 та янги иш ўринлари яратилди.*

Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан парранда маҳсулотлари ишлаб чиқариш, паррандачиликни ривожлантириш, тухум ва гўшт маҳсулотларини кўпайтириш, ускуналар олиш мақсадида 4,2 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. "Мамлакатимизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига кўра эса ажратилган кредитлар жами 2,2 миллиард сўм миқдорида бўлди. Вилоятдаги аёл тадбиркорларнинг ўзигагина 273,6 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди.

**Режалар:** "Асака банк — Тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи" шиори остида меҳнат килаётган банкнинг вилоят филиали жамоаси тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2011 йил давомида умумий ҳажми 14,0 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратишни режалаштирган. Ана шу марра йўлида филиал жамоаси пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларини ҳамда Марказий банк кўрсатмалари ижросини таъминлашга астойдил бел боғлаган. Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишда инвестиция ресурслари ғоят муҳим манба эканлигини теран англаган банк ва банк филиаллари жамоалари аҳолининг эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни янада рағбатлантириш йўлларини қидирмоқдалар. Бу йўлда уларга республикамиз Президентининг "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда бошқа Фармон ва Қарорлар дастуриламал бўлмоқда. Уларнинг тўла ижросини таъминлаш мақсадида "Асака" банк томонидан 82 турда миллий ва хорижий валютада омонатлар жорий қилинди. Ушбу омонатларга қўйилган маблағлар белгиланган муддатларда омонатчиларнинг биринчи талаблари биланоқ нақд пулда таъминланмоқда.

Банк айланмасига аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этишни янада ошириб бориш мақсадида ҳозир филиал томонидан янги банк хизматларини жорий этиш, жумладан пластик карталар орқали ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш, савдо нуқталарига янги-янги савдо терминаллари ўрнатиш ишлари жадал боряпти. Жорий йилда мижозларга яна қўшимча тарзда 12 та янги омонат турлари таклиф этилди. Авиа ва темир йўл чипталари сотиш кассалари, коммунал тўловлар қабул қилувчи корхоналар, автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчалари, турғун савдо ташкилотлари, маиший ва бошқа пуллик ҳизмат кўрсатиш муассасалар, умумий овқатланиш объектлари, меҳмонхоналар, алоқа бўлимлари терминаллар билан тўла жиҳозланиб, 324 та терминал қурилмаси пластик карточкалар билан ҳисоб китоб қилмоқда. Банкомат ва инфокиоск ҳам фаол ишлаб турибди. Инфокиоскда аҳоли ўз ҳисоб рақамидаги пул маблағларини пластик карточкаларга юклаб, пластик карточка орқали коммунал ҳизматлар учун тўловларни, уяли алоқа хизмати ва бошқа хизматлар учун тўловларни банк ходими иштирокисиз ва ҳеч қандай қоғозбозликларсиз амалга оширмоқда.

**Рақамлар:**

- *Ҳозир филиал томонидан жами 29 281 дона сўм пластик карталари муомалага чиқарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ушбу кўрсаткич 7 969 донага оширилиши таъминланди.*
- *Банк томонидан жами 296 тадан ортиқ иш ҳақи лойиҳалари жорий этилган бўлиб, 29,8 минг нафардан зиёд ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар пластик карточкалар орқали амалга оширилмоқда.*
- *Республика ҳудудида хизмат сафарларига кўп чиқадиған тадбиркорлар, фирма ва корхоналар раҳбарларига янада қулайликлар яратиш мақсадида банк томонидан корпоратив пластик карталар жорий этилди. Ҳозир ушбу хизматдан банк мижозларидан 38 нафари фойдаланмоқда.*

Буларнинг ҳаммаси "Асака" банк Самарқанд вилоят филиали Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида аҳолига ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига ҳар қачонгидан сифатли, замонавий банк хизмати кўрсатиш, уларга доим ҳамкор ҳамда ҳамнафас бўлиш йўлида тинимсиз изланаётганликлари натижасидир.

**Ўқинг, қизиқ!**

## Йўловчилар учун яна бир қулайлик

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси 1 ноябрдан бошлаб биринчи ва бизнес классдаги йўловчиларга янги хизмат тури, яъни, парвоз пайтида iPad дан фойдаланиш хизматини йўлга қўйди.



Авиакомпаниянинг Интернет сайтида маълум қилинишича, парвоз давомида йўловчиларга фойдаланиш учун вақтинча бериладиган iPad да аудио ва видео ёзувлар, кўплаб ўйинлар, рангли журналларнинг электрон версияси ўрин олган.

Бундан ташқари, йўловчилар iPad орқали Ўзбекистон ва унинг тарихий обидаларига оид маълумотлар ҳамда авиакомпания фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Айтиш кераккки, 1 ноябрь куни Тошкент — Куала-Лумпур — Тошкент, Тошкент — Франкфурт — Тошкент ва Тошкент — Санкт-Петербург — Тошкент йўналиши бўйича биринчи ва бизнес класcда учган йўловчилар биринчи марта iPad дан фойдаландилар. 1 декабрдан бошлаб айни хизмат яна етти йўналиш, хусусан, Тошкентдан Истанбул, Пекин, Бангкок, Шаржа, Дубай, Москва, Киевга парвоз қилиб ортга қайтадиган самолётларда ҳам йўлга қўйилиши режалаштирилган.

**Ҳуқуқий маслаҳат**

***Исмим ўзимга ёқмайди. Эшитишимча исми, шарифи ва отасининг исмини ўзгартириш мумкин экан. Бунинг тартиби қандай?***

**Пардагул ХАЗРАТҚУЛОВА,**
Тошкент вилояти.

*Мавжуд қонунга кўра, ҳар бир фуқаро ўз исмини, шунингдек, фамилияси ва отасининг исмини ўзгартириш ҳуқуқига эга. Бу ҳақдаги аризалар ариза берувчи 16 ёшга тўлгач, турар жойидаги ФҲДЁ бўлими томонидан кўриб чиқилади. 16-18 ёшгача бўлганларнинг исми-шарифини ўзгартиришда ота-она розилиги талаб қилинади. ФҲДЁ бўлими мудири тақдим қилинган ҳужжатлар ва зарур ҳолларда бошқа ФҲДЁ органларидан ўзининг талаби бўйича олинган керакли далолатнома ёзувлари нусхаларини тегишли текширув ўтказиш учун ички ишлар бўлимига жўнатади.*

*Масалан, ўша шахс ғаразли мақсадда, яъни қидирувдаги жиноятчи, жазодан қутулиш учун исмини ўзгартираётган бўлиши мумкин. Ички ишлар бўлими тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганиб, ФҲДЁ органига асослантирилган хулоса беради. Унга асосан ФҲДЁ бўлими ариза берувчига исмини ўзгартириш ёки рад қилиш тўғрисида хулоса тақдим қилади.*

**Сайёра АЛИМҚУЛОВА,**
**Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани ФҲДЁ бўлими мудири.**

*Газетанинг навбатдаги сони 2011 йил 2 декабрь куни чиқади.*




www.adolat.uz — Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳаётидан энг сўнгги янгиликлар, депутатлар билан онлайн суҳбатлар, электоратни ўйлантираётган масалалар билан мурожаат қилиш имконияти, савол ва фикр-мулоҳазалар учун очиқ минбар. Шунингдек, интерактив хизматлар, таҳлилий-танқидий мақолалар, баҳс-мунозаралар ўзбек ва рус тилларида. Ва албатта, "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси барча сонларининг электрон варианти.

## Ҳеч нарсани кутманг



Бахтни кутиб ўтириш — бахт йўлидаги энг катта тўсиқдир. Мисол учун: "Озсам, бахтли бўлардим... Янги уйга кўчиб ўтсам ўзимни бахтли сезардим... Орзуйимдаги эркакни топсам бахтим бутун бўларди..." ва ҳоказо. Ишонинг: шусиз ҳам бахтлисиз, бахтингиз ёнингизда, ўзингиз билан бирга. "Бир куни... Қачондир..." деган дудмол сўзлардан эҳтиёт бўлинг. Айнан шу сўзлар ҳам сизнинг бахтли бўлишингизга халақит беради.

## Кулгуга жиддий муносабатда бўлинг

Олдингизга ўта жиддий мақсадни қўйинг — ҳар куни кулиб юриш. Эсдан чиқармангки, кулгу — мунтазам қабул қилиниб турилиши лозим бўлган витамин, дармондори. Балки кулишга вақтингиз йўқлиги учун доим бадқовоқ ҳолда юрарсиз? Мана бизнинг сизга таклифимиз: кечқурун севимли комедияларни томоша қилиш; дўстлар билан ёқимли кечки овқат; кинога ёки истироҳат боғига бориш; телефонда кулгули мавзуларда валақлашиш; янги ҳажвий китоблар мутоаласи... Хуллас, асосийси — истак бўлса бас, вақт ҳамиша топилади.



**ADOLAT**
ижтимоий-сиёсий газета
**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Бош муҳаррир:** Худоёр МАМАТОВ
**Бош муҳаррир биринчи ўринбосари:** Абдували СОЙИБНАЗАРОВ *(Нашр учун масъул)*

**Бўлимлар:** Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — ***236-57-14***; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — ***236-54-39***;
**Телефонлар:** қабулхона — ***236-53-14***; ***233-40-86*** (факс); котибият — ***233-41-89.***
**Навбатчи муҳаррир** — Фарҳод ЭСОНОВ.
**Навбатчи** — Илёс САХАТОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.*

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

ISSN 2091-5217

**Таҳририят манзили:** *100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.*
**adolat_gazeta@mail.ru**

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 1100. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 3811.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 00.45
1 2 3 4 5